


ЗИЁДАХОН ТЕШАБОЕВА


"БОБУРНОМА"ДАГИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА
ПАРЕМИЯЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА
ТАРЖИМАЛАРИ ЛУҒАТИ



TOSHDOʻTAU



0000002780



ХАЛҚАРО БОБУР ФОНДИ

ЗИЁДАХОН ТЕШАБОЕВА

**“БОБУРНОМА”ДАГИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА
ПАРЕМИЯЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА
ТАРЖИМАЛАРИ ЛУГАТИ**

Мазкур лугат ЎзДЖТУ Илмий кенгашининг 2016 йил 25
февралдаги қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ЎзДЖТУ, 2016.

*Университет талабалари
фойдаланиши учун лугат
шономидан ҳадя қилинди.*



ТОШКЕНТ – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Зиёдахон Тешабоева

**“БОБУРНОМА”ДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРЛИКЛАР ВА ПАРЕМИЯЛАРНИНГ
ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ
ЛУҒАТИ**

**(Ж.Лейден-В.Эрскин (1826), А.С. Бевеиж (1921),
В. Текстон (1996) таржималари асосида)**

Тошкент – 2016

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIALIZED EDUCATION OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN**

Uzbekistan State University of World Languages

Ziyodakhon Teshaboyeva

**TRANSLATIONS OF PHRASEOLOGICAL UNITS
AND PROVERBS
OF “BOBURNOMA” INTO ENGLISH**

(On the basis of J. Leyden-W. Erskine (1826), A. S. Beveridge
(1921) and W. Thackston's (1996) translations)

Tashkent – 2016

УДК: 372.111.1 (024)

КБК: 24.269 (71)

Масъул муҳаррирлар:

О. Мўминов,

филология фанлари номзоди, ЎзДЖТУ профессори.

В. Раҳмонов,

филология фанлари номзоди, доцент Халқаро Бобур мукофоти соҳиби.

Тақризчилар:

Х. Дадабоев ф.ф.д., проф. (ЎЗМУ)

Т. Икромов ф.ф.н., доц. (ЎзДЖТУ)

Таҳрир хайъати:

Д. Кулмамаатов, ф.ф.д., профессор

И. Иброҳимхўжаев, ф.ф.н., доцент

Н. Қамбаров, ф.ф.н., доцент

Ш. Бўтаев, катта ўқитувчи

Мазкур луғат мумтоз асар “Бобурнома”даги фразеологик бирликларнинг Ж. Лейден-В.Эрскин (1826), А. С. Беве-риж (1921) ва В. Текстонларнинг (1996) инглизча таржималарида қандай ўтирилганлиги ва таржима эквивалентларига бағишланади. Даврма-давр олиб борилган тадқиқотлар, аслият билан таржималар орасидаги фарқлар ва муқобиллари луғатда акс этган. Луғат бобуршунос олимлар ва тадқиқотчилар, таржимонлар, олий ўқув юртлари инглиз тили ўқитувчилари, олий ўқув юрти талабалари, инглиз тилини чуқур ўрганувчилар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-24-114-5

This dictionary is dedicated to the equivalents of phraseological units and the levels of English translations in the book of "Boburnoma" made by (1826) J. Leyden-W. Erskine, (1921) A. S. Beveridge and (1996) W. Thackston. During the translation activity that took a long time there have founded the adequacy and the difference between translation and original text. This dictionary is intended for the scientists of Boburnoma, researchers, interpreters, English teachers of universities, students, specialized English learning students and wide range of learners.

Настоящий словарь посвящается сопоставлению перевода фразеологических единиц классического произведения "Бабурнаме" на английский язык, сделанных учеными (1826) Ж. Лейден-В. Эрскин, (1921) А.С. Беверидж (1996) и В. Текстона, использованных ими эквивалентов в переводе и способами интерпретации данного материала. Данный словарь целенаправлен для учённых и исследователей Бабура, учителей английского языка ВУЗов, студентов университетов, глубоко изучающих английский язык и для широкой аудитории.

*Илк китобимни отам
Қодирали Шукуров ва қайнотам
Мадаминжон ҳожи Тешабоевнинг
порлоқ хотираларига бағишлайман.*

Кириш

Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган чуқур маъно ва мазмун касб этган миллий ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи бир мушкул муаммо¹, миллатнинг адабий мероси, миллий-маданий хусусиятларини ифода этган мақоллар, маталлар, фразеологик бирликлар таржимондан юксак маҳорат талаб этадиган жараёндир. Бугунги кунда таржимашунослик алоҳида соҳа сифатида шаклланар экан, ўзбек халқининг нодир асарларини жаҳон афкор оmmasига танитишда она тилидан тўғридан-тўғри, бевосита чет тилига таржимага эришиш фандаги ютуқларимиздан ҳисобланади.

Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини оладиган бўлсак, биргина “Бобурнома” асарининг дунё тилларига қайта-қайта таржима қилиниши ва ўрганилишини фанда илмий ҳодиса сифатида баҳолаш мақсадга молик.

“Бобурнома” ўзбек ва хориж олимлари томонидан турли аспектларда ўрганилган бўлса-да, аммо лингвистика нуқтаи назаридан етарлича тадқиқ этилмаган асар. “Бобурнома” устида олиб борган изланишларимиз натижасида шундай хулосага келдикки, асардаги турфа паремиялар ва фразеологик бирликларнинг мазмун-моҳияти жиҳатини ўрганиш, уларни таржимада аслиятдагидек тўлақонли акс эттириш нафақат тилшунослик, шунингдек, таржимашунослик соҳасидаги долзарб масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда нодир асарни ўрганишда қуйидаги уч жиҳат устуворлик қилди:

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – снгитмас куч. –Тошкент: «Маънавият», 2008. –Б 8.

1) “Бобурномада”ги паремиялар ва фразеологик бирликларнинг Ж.Лейден-В.Эрскин (1826), А.С. Бевериж (1921), В. Текстон (1996) таржималарида адекват таржимага эришилганликни аниқлаш.

2) Аслиятдан ўгиришда таржимонлар қандай таржима методларидан фойдаланганини белгилаш.

3) “Бобурнома”да муайян фразеологик бирлик маъно бошқа бир неча муқобиллари билан ифодаланганини аниқлаш.

Китобхон тадқиқот орқали энг яхши таржимани танлаши, таржимонларнинг таржима қилишда фойдаланган методларини кузатиши, фразеологик бирликларнинг бир неча хил муқобиллари мавжудлигини билиш имкониятига эга бўлади. Агар “Бобурнома”дан келтирилган мисолларда ҳар уч турдаги таржимадан аслиятга яқин муқобили топилмаган ҳолатда, муаллифнинг варианти, яъни таржимаси келтирилади. Бундай ҳолатда ўқувчи ўрганиш билан бирга таҳлил этиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари тарихида Темурийлар даври алоҳида ўринга эга. Темурийлар даврида илм-фан инсон маданиятининг турли жабҳаларида юксак поғонага кўтарилган бўлиб, айнан шу давр тарихи саҳифаларида Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдек даҳолар, Қозизода Румий, Али Қушчи каби алломалар, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир сингари машҳур тарихчилар, Лутфий, Саккокий, Атоий каби атоқли шоирлар, Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Султонали Машҳадий, Дарвиш Муҳаммад Тоқий каби йирик мўйқалам соҳиблари ва китобат санъатининг беназир устозлари етишиб чиққан ва унум билан ижод қилган эди.²

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ана шундай мутафаккирлар заминида туғилиб, тарбия топди. Унинг фундаментал билими она юртида Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий, Хожа

² Заҳириддин Муҳаммад БОБУР энциклопедияси.-Т.: “Шарк” Б.105.

Маваддоийи Қози каби даҳолар маънавий қаноти остида шаклланди.

Европа олимларининг тили билан айтганда, Марказий Осиё, ўзбек тарихшуносининг термини билан атаганда Ўрта Осиё деб аталмиш заминдан етишиб чикқан Захириддин Бобур “Бобурнома” асарини бутун умри давомида ижод қилди. Асар жаҳон адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган.³ “Бобурнома” хорижий олимларнинг сон-саноқсиз тадқиқий асарларининг дунёга келишида муҳим омил бўлган.⁴ Асар Европа таржимон, тарихчи, шарқшунос олимлари томонидан инглиз тилига бир неча бор таржима қилингани илм аҳлига маълум.

Аслида Европа олимлари Бобурни уч жиҳати орқали яхши хотирлашади:

1) Бобурнинг тўнғич фарзанди Ҳумоюнга жонини фидо айлаши.

2) Ҳиндистонда Айодҳия масжидининг барпо этилиши.

3) “Бобурнома” асарининг ёзилиши.

Мана шу уч жиҳат асарни дунёга маълум ва машҳур қилди. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарига келсак, у бир неча маротаба таржима қилиниб, таржималар тарихини бошидан кечирди. Бобурнинг “*Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтанд*” (Илм билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар), дея халқ мақолини асарида қўллаши, балки унинг ҳам қайта-қайта ёдга олинishi, қолдирган мероси ўрганилаётганининг далилидир.

“Бобурнома”нинг инглиз тилига қилинган таржималари тарихига назар соладиган бўлсак, уни 1773 – 1856 йилларда яшаб ўтган тарихшунос ва таржимон Вильям Эрскин инглиз тилига таржима қилишга киришган ва 1810 йилда тугатган. Бироқ уни чоп эттиришга шошилмай айни вақтда юзага келган Жон Лейденнинг таржимаси билан солиштиришни

³ Annamari Schimmel. The empire of the Great Mughals.-London, 2004.

⁴ John F. Richards. The Mughal Empire.-London.: “Cambridge University Press”, 2004.

ишдан кўрган. Жон Лейден ўша пайтда асарни тўлиқ бўлмаган аслиятдан ўгираётганлиги кўпчиликка маълум эди. Шу ерда бир жихатга эътибор қаратиш жоиз. Баъзи тадқиқотларда “ҳар икки таржимон бир-бирининг фаолиятдан хабардор бўлмаган”, - деган мулоҳаза илгари сурилган. А. Иброҳимов “Бобурнома – буюк асар” номли рисоласида таъкидлашча, В. Эрскин Ж. Лейденнинг “Бобурнома”нинг таржима қилиш фаолиятдан бохабар бўлиб, ўз таржимасини нашр эттиришга шошилмаган эро, у таржимасини Ж. Лейденнинг таржимаси, аслиятдан бажарилган илмий иш билан солиштирмоқчи бўлган.⁵

Ж. Лейден “Бобурнома”нинг таржимасини якунига етказа олмай ҳаётдан кўз юмган. Унинг вафотидан сўнг “Бобурнома”нинг таржимаси Валтер Скот орқали Вильям Эрскинга етиб келган. Аслида Валтер Скотнинг синглиси В. Эрскиннинг рафиқаси эди. Дастлабки эски ўзбек тилидан қилинган таржимага эришган В. Эрскин таржимани бутунлай кўздан кечириб, уни пухта ўрганади, тушириб қолдирилган маълумотларни қайта тиклаб, Ж. Лейденни ўзининг устози сифатида қараб, унинг хотираси учун 1826 йилда “Бобурнома”ни “MEMOIRS of ZEHIR-ED-DIN MUHAMMED BABER, EMPEROR OF HINDUSTAN” written by himself, in the Jaghatai Turki, and translated partly by the late John Leyden, Esq, M.D., partly by William Erskine. Printed by James Ballantyne and Co. Edinburg. London – 1826” номи остида чоп эттиради.

1773 – 1811 йилларда яшаб ўтган Ж. Лейден “Бобурнома”ни тўлиқ бўлмаган аслиятдан таржима қилган. Ҳар иккала шарқшунос аслида эски ўзбек тилини яхши билишган. В. Эрскин таржимаси форс тилидан, Ж. Лейден таржимаси эса аслият тили – эски ўзбек тили (баъзи манбаларда қайд этилишича “чигатой тили”)дан таржима қилинган эди. В. Эрскиннинг таржимаси мақтовга арзигулик, сифати, савияси билан ажралиб туради,

⁵ *Иброҳимов А. Бобурнома–буюк асар. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. –Б. 40, 53.*

унинг иши аслият тилининг услуби билан мос тушганлигини кузатиш мумкин.

1909 йилда Ф. Талбот “Бобурнома”нинг инглизча таржимасини чоп эттиради. Ушбу таржима асосида бир қанча нашрлар дунё юзини кўрган. 1845 йилда Лейден–Эрскин таржимасининг қисқартирилган вариантини Р. М. Калдикот чоп эттирди. 1879 йилда эса шарқшунос олим Ф. Талбот ушбу қисқартирилган нашрнинг иккинчи вариантини босмадан чиқаради.

Л.У. Кинг 1921 йилда “Бобурнома”нинг муҳим илмий маълумотлар билан тўлдирилган иккинчи нашрини чоп эттирди. Ушбу нашрда “Бобурнома”даги узилиб қолган йиллар воқеалари бошқа манбалардан олиб тикланди.

Таниқли инглиз шарқшуноси Ҳенри Бевериж 1900 йилда Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида “Бобурнома”нинг ўзбекча нусхасини кашф этди. Ушбу қўлзмани унинг рафикаси Аннетта Сусанна Бевериж хоним ўрганди ва 1905 йилда Лондонда асарнинг факсимиле нусхасини нашр эттирди. Шу тариқа мазкур қўлзмани жиддий тадқиқ этиш бошланди. А. С. Беверижнинг “Бобурнома”ни инглиз тилига қилган таржимаси 1921 йилда чоп этилди.

Н.Отажоновнинг фикрича, инглиз таржимонлари асарнинг ўзига хослиги, бадиий хусусиятини сақлаб қолишга интилганлар. У таржималарнинг тили ҳақида бундай деб ёзади: “Лейден–Эрскин таржимасида услуб атайлаб инглиз ўқувчисига тушунарли қилиб танлангандай. Аксинча, Беверижнинг таржимаси куруқроқ, илмий тилда битилган”⁶. Профессор В. Текстоннинг фикрича, А. С. Беверижнинг таржимаси талабанинг ишига ўхшайди, барча сўзлар худди лугатдагининг ўзгинаси, туркий (ўзбек) ва инглизча сўзларни айнан мос келтиришга ҳаракат қилинган (ўша адабиёт).

С. Беверижнинг таржимасидан роппа-роса етмиш беш йилдан кейин, яъни 1996 йилда профессор В. Текстон учинчи бор

⁶ Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида. Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.10, 15.

“Бобурнома”нинг инглизча мукамал таржимасини чоп эттирди. Мазкур таржиманинг нашр этилиши Бобур Мирзо ҳаёти, ижоди ва даври ҳақидаги маълумотларни бойитди, бобуршуносликни янада юқори даражага кўтарди, ушбу соҳада олиб бориладиган ишларнинг кўламини кенгайтиришда янги имкониятлар очиб берди.

Ж. Лейден ва В. Эрскинларнинг кўп йиллик меҳнати натижаси ўлароқ “Бобурнома”нинг инглизча таржимаси биринчи бор 1826 йилда чоп этилди. Ушбу таржима нафақат инглиз тилидаги, балки Европада амалга оширилган биринчи тўлиқ таржима эди. Мазкур нашр Бобур ижоди, чунончи “Бобурнома”ни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга йўл очиб берди. Унинг яна бир аҳамияти шундаки “Бобурнома”нинг бир қатор тиллардаги таржималари айнан шу таржима асосида амалга оширилди. Англияда “Бобурнома”нинг тўққиз марта тўлиқ ва қисқа ҳолларда чоп этилганининг ўзиёқ бу асарга қизиқишнинг нақадар улкан эканлигидан далолат беради.

“Бобурнома”нинг тўлиқ инглизча таржимаси чоп этилганидан деярли бир аср вақт ўтгач, машҳур инглиз шарқшуноси, А. С. Бевериж хоним томонидан 1921 йилда асар иккинчи тўлиқ таржимасининг нашр эттирилиши, Бобур ижоди ва “Бобурнома”ни ўрганишни оммалаштиришдаги инглиз шарқшуносларидан Р. Калдекот, Ф. Г. Талбот, Л. С. Кинг, С. Лейн Пулл саъй-ҳарактлари таҳсинга сазовордир.

“Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилган таржимонлар орасида Америкалик шарқшунос, профессор В. Текстоннинг фаолияти ўзига хос. “Бобурнома”нинг 1996 йилда Оксфорд университети нашриётида ҳозирги инглиз тилида чоп этилган таржимасида аввалги инглизча таржималардаги хато ва камчиликлар инобатга олинган ва бартараф этилган, мукамал изохлар билан таъминлаган.

Мазкур таржимадан биров олдинроқ, яъни 1993 йилда В.Текстон “Бобурнома”нинг улкан меҳнат талаб қилган ноёб бир нашрни чоп эттирди. Абдураҳим Хон Хони Хонон қаламига

мансуб форсча таржимани араб алифбосида ва унинг инглизча таржимаси ҳамда эски ўзбекча (туркий) матнини лотин алифбосида уч жилдлик қилиб нашр эттирди. Шундай қилиб, учала матнни бир нашрнинг ўзида солиштириб ўрганиш имконияти пайдо бўлди. “Бобурнома”нинг уч турдаги мукамал инглизча таржимаси нашр этилди ва улар асарни жаҳонга танитишда муҳим аҳамият касб этди.

Чет эл олимларининг “Бобурнома”ни ўрганишдаги олиб борган тўхтовсиз саъй-ҳаракатлари асарга оид таржималар тарихини вужудга келтирди. Асарнинг инглизча таржималарини таҳлилга тортиш асносида Ж. Лейден ва В. Эрскинлар дастлабки асар таржимасини 1826 йилда нашр эттиргани, Ж. Лейден шеър битишга иштиёқли “Бобурнома”ни аслиятдан ўнгиргани бизга маълум бўлди. Насрий асарларни яхши таржима қиладиган В. Эрскин эса асарни форсий тилдан ўнгирганининг гувоҳи бўламиз. Юқорида зикр этилган таржималар тарихини ўрганиб, шундай хулосага келдик, “Бобурнома”нинг турли даврда қилинган инглизча таржималарини аслият тили билан мутаносиблигини кузатиш қизиқарли жараён дир. Таржимашуносликда айнан таржимага эришиш учун тилда қўлланувчи кўп маъноли сўзлар, синонимлар, фразеологик birlikлар, уларнинг эквивалентларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада бизнинг фикримиз миллий-маданий хусусиятларни муҳасам этган, азалий қадриятларимизнинг тикланиши, миллий ўзига хослиги, аجدодларимиз қолдирган асарлар таржималарини ўрганишдан бошласак айни муддао бўлур.

“Бобурнома”нинг юқоридаги келтирилган таржималари орасида Ж. Лейден ва В. Эрскинларнинг 1826 йилда, Сусанна Бевеержининг 1921 йилда, Вильер Текстоннинг 1996 йилдаги таржималарини энг сараси дейиш мумкин. Юқорида зикр этилган манбалардан фойдаланиб, докторлик диссертацияси асосида вужудга келган ушбу китобни луғат кўринишида тайёрладик. Тузилган луғат кенг илм аҳлига, тадқиқотчиларга, таржимашунослик факультети талабаларига, инглиз тилини чуқур

Ўзлаштирувчи журналистларга, инглиз филологияси талаба-парига, махсус инглиз тилини ўрганувчиларга мўлжалланган. Ўйлаёмизки, луғат ўзбекча маталлар ва афоризмларни таржима қилишда инглизча эквивалентларини ўзлаштириш учун хизмат қилади.

Луғат Ш. Раҳматуллевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”⁷, А.В. Куниннинг “Англо-русский фразеологический словарь”⁸ ва Ф. Исҳоқовнинг “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат⁹нинг тадрижий тажриба тамойилларига асосланган ҳолда тузилди.

“Бобурнома”даги фразеологик бирликлар луғатини тузиш тамойиллари

“Бобурнома”дан фразеологик бирликларни саралаб олиш ва уларни аниқлашда қуйидаги беш тамойилга асосландик:

1. Ш. Раҳматуллаев ва А.В. Куниннинг тадрижий луғат тузиш тамойилларига асосан; “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”идаги фразеологик бирликлар изоҳининг мисолларда ёритиб берилиши, яъни дастлаб фразеологик бирлик бош ҳарфлар: **ДЎППИ ТОР КЕЛДИ**, унинг изоҳи эса кичик имконсиз *огир аҳволга тушмоқ* билан берилади. Биз ҳам ушбу кўринишни луғатимизда сақлаган ҳолда “Бобурнома”дан сараланган фразеологик бирликларни катта ҳарфлар, изоҳини кичик ҳарфлар билан шарҳлаб қорайтириб келтирдик.

Дўппи(си) тор келди кимнинг; *тор келиб қолганда*. *Шундай дўппи тор келган пайтда Азим бойвачча Холхўжанинг жонига ора киради*. С. Аҳмад. Ҳукм. (Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. 70-бет).

Ўша манбадан яна бир мисол, **ДУНЁДАН ЎТМОҚ** ким 1. Яшамоқ. Варианти: *дунёдан ўтмоқ*; *ўтавермоқ*. Синоними:

⁷ Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, 1992.

⁸ Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: “Русский язык”, 1984.

⁹ Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. – “Андижон нашриёт-матбаа” ОАЖ, 2008. Б. 236.

умр кўрмоқ ким; умр ўтказмоқ ким; турмуш кечирмоқ Ким. Айтинг-чи мулла ака, ҳалиги зотлар дунёдан қачон ўтган? П. Турсун. Ўқитувчи. Ўртага совуқчилик солиб қўямиз. Фарзандсиз одам дунёдан ўтмабдими?! Х. Нуъмон (ўша адабиёт, 77-бет).

А.В. Куниннинг фразеологик бирликларни саралаш ва изоҳ билан тасвирлаш тамойилига асосан¹⁰; *GET-OUT as all get-out* амер. разг. усил. чертовски, безумно, ужасно. "I'm hungry as all get-out, girls" Ty ty said. (E. Caldwell, God's Little Acre, ch, VIII) – "But Ma told us to find Handsome, I said. We'd better go look for him, anyway, Я чертовски проголодался, девушки, - ёсказал Тай Тай. you know Ma. She'll be as mad as all get-out if we don't find him and take him back home" (E. Caldwell, "Georgia Boy" ch, VII). -Но мама велела нам найти Хенсома, -сказал я. - Нам лучше пойти поискать его. Ты ведь маму знаешь. Она ужасно рассердится, если мы не найдем Хенсома и не приведем его домой (А.В. Кунин. "Англо-русский фразеологический словарь" 311-бет), -деб берилади.

Маълумки, А.В. Куниннинг асари шу кунга қадар яратилган фразеологик луғатларнинг энг катталаридан биридир.¹¹ У инглизча фразеологик бирликлар учун таянч манба сифатида олинди.

2. Таржимонларнинг саҳифа остида келтирган шарҳларига асосан; миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи мақол ва мағалларни акс эттиришда таржимонлар таржима жараёнида бирмунча қийинчиликларга дуч келади. "Бобурнома"да турли худудлардаги об-ҳавонинг ўзига хос хусусиятлари, оғиздан-оғизга кўчиб ўтган миш-мишлар, ривоятлар ҳақида ҳам баён этилган. Масалан, *Андоқ ривоят қилдиларким, чунчуқ безгак бўлгондур. Дерларким, ҳавосининг тааффуни шимолдаги тоғ жиҳатидиндур* (Бобурнома, 36).

¹⁰ Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Издательство "Русский язык", 1984г. 944с.

¹¹ Мўминов О.М. Lexicology of English language. – Т.: "Меҳридарё", 2006. Pp 109-116.

Халқ тилидаги “**чунчук** (чумчук) **безгак** **бўлгондур**” об-хаво ўзгарувчанлигини тасвирлаб, Бобур назарда тутган ҳудуд (Амударё)да ўзгачароқдир, табиатнинг ўзига хослиги ҳатто шу ерлик халқни ҳам ҳайратга солади, бу таъсир оғзаки нутққа кўчиб, фразеологизм сифатида юзага келади. “**Чунчук безгак бўлгондур**” таржималарини “Бобурнома”нинг Ж. Лейден ва В. Эркин таржимасида кузатиб кўрайлик.

Ж.Л-В.Э: ... *but the air is extremely noisome, and inflammations of the eyes are common; insomuch, that they say that, even the very sparrows have inflammations in the eyes. The badness of the air they ascribe to the hill on the north* (P-4,5). Таржиманинг мазмуни: ... *Лекин ҳавоси ўта қаттиқ ва газак олиш эҳтимоли шунчалик юқорики, айтишларича, ҳатто чумчук ҳам тумов касалига йўлиқади. Уларнинг тасвирлашича, ҳавосининг рутубати шимол тарафидаги тоғ эинсидандур (таржима бизники). Юқоридаги парчанинг С. Бевериж таржимасига эътибор қаратамиз.*

А.С.Б: *The climate is very malarious; in autumn there is much fever; people rumour it about that the very sparrows get fever and say that the cause of the malaria is the mountain range on the north* (P-70 (8). Мазмуни: *Иқлими безгак касалига мойил, кўзда иситма кўп бўлади, одамлар орасидаги мишмишлар бу ҳақида дейишадик, ҳатто чумчуқлар ҳам иситмалаб қолади ва бу безгакнинг сабаби шимолдаги тоғ тизмасининг жойлашганлигидандур.*

Юқоридаги матн В. Текстон таржимасида куйидагича берилади:

В.Т: *But the air is unwholesome and causes much eye inflammation in the autumn, a condition that is said to affect even sparrows. Apparantly the bad air is caused by the mountain to the north* (P. 6). Мазмуни: *Лекин ҳавоси гайриоддий (рутубатли) ва кўзда безгак кўп тарқалади, бу ҳолат айтишларича, ҳатто чумчуққа ҳам таъсир қиларкан.*

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, таржимонлар ажратиб ёзилган фразеологик бирлик англатган мазмунни баҳоли қудрат таржимада акс эттиришга уринишган. Ж. Лейден таржима қилиш жараёнида саҳифа остида қуйидаги изоҳни ёзиб қолдиради:

The Persian here differs, "The air is however, corrupt, so that inflammations and swellings of the eyes are common; such as by physycians are called germ." (*The chasm in Mr Elphiniston's Turki copy still continues* (J Leyden p-2). Мазмуни: *Форсий варианты бу жойда аслиятдан фарқ қилади. Об-ҳавоси яхши эмас (бу ерда corrupt-бузуқ), безгак ва (swellings of the eyes-тумов бўлганда кўзларнинг шишиши) тумов кўп бўлади, шунинг учун даволовчилар уни микроб деб атайдилар. (Бу дара ҳақида яна жаноб Элфинстоннинг туркий нусха орқали мазмунини солиштириш ҳамон давом этмоқда, деб ёзади таржимон Ж. Лейден 2-бет).*

1996 йилда Ҳарвард университети профессори В. Текстон томонидани "Бобурнома"нинг ҳозирги инглиз тилидаги таржимаси нашр қилинди. Таржимада асар бадий хусусиятини сақлаб қолиш, таржиманинг аслият каби таъсирчан чиқиши учун лексик бирликлар ифодаланган маънолар фразеологик бирликлар ёрдамида таржима қилинган. Аслиятдаги фразеологик бирликларни таржима қилишда эса ушбу таржимон саҳифа остида мисоллар келтирган, улардан бири: *Tughchi: a servant in charge of the tugh, yak-tail standard attached to a ruler's horse* (В. Текстон, 480).

Таржимон шарҳининг мазмуни: *тугчи-туғ* сўзига боғлиқ бўлиб, у хизматкор, *як-тейл* (кўтос ёки эшакнинг думи, бу жойда дум эмас таржимон *эгар-жабдуқ*ни назарда тутати) ҳукмдор отига кийдирадиган халта (*эгар жабдуқ*), дейилади. Бу шуни англатадики, таржимон имкон қадар фразеологик бирликларни таржима қилишда аниқликка интилаётгани, ҳар бир сўзнинг маъносини очиб беришга интилаётгани кузатилади.

Ваҳоланки, уларнинг эквивалентини қидириб топиш ва аслиятга мос келтириш ҳам анча мушкул вазифа. Юқоридаги мисолни “Бобурнома”дан тўлиқ таржимаси билан келтирамиз:


*Тугчи туг боғлағуча фурсат бўлмади, тугни илигига олиб-
уқ отланди. Ёғий келадурган сори-уқ мутаважжжих бўлдуқ.
Мя отлангонда ун-ун беш киши ҳамроҳ эди (Бобурнома, 93).*
ТУГЧИ ТУГ БОҒЛАҒУЧА ФУРСАТ БЎЛМАДИ фразема
маъноси: *бироз вақт ёки бир зумда.*

Ушбу мисол Ж Лейден ва В. Эрскин таржимасида: *My stan-
dard-bearer seized the standard, but without having time to tie on
the horse-tail and colours; but, taking the banner-staff in his hand
just as it was, leaped on horseback, and we proceeded towards the
quarter in which the enemy were advancing. When I first mounted,
there were ten or fifteen men with me (P. 110).*

А. С. Бевериж таржимасида: *My standard-bearer had no time
to adjust my standard, he just mounted with it in his hand. There
were ten or fifteen men with me when we started toward the enemy;
after riding arrow's flight, when we came up with his scouts, there-
may have been ten Pp. (235) 106.*

В. Текстон таржимасида: *With no time for tughchi to se-
cure the yak tail, he mounted with it in his hand. We set off in the
direction from which the enemy was coming. As I rode out I had
with me ten or fifteen men (P. 124).* **ТУГЧИ ТУГ БОҒЛАҒУЧА
ФУРСАТ БЎЛМАДИ** мазмуни *бироз вақт ёки бир зумда, кўз
очиб юмгунча, бир сут пишими бурун, отдан тушгунча фурсат,
қилич ялонгачлағуча фурсат* каби фразеологик бирликлар
қатори жанг майдонидаги вақт меъёрини тажриба орқали
ўлчаб, образли ифода этган.

**3. Фразеологик бирликларни аниқлаш тамойилига
асосан;** Олимлар орасида фразеологияни кенг ва тор
доирада тушуниш мавжуд. Биз фразеологияни кенг доирада
тушунувчиларни қўллаб-қувватлаймиз. Кенг тушунишда
фразеология доирасига, сўзларнинг турғун бирикмаларидан
ташқари, мақол, матал, афоризм ҳам мансуб деб қаралади.



Фразеологик бирлик бўлиш учун мақол, матал, афоризм сўзларнинг тургун бирлашмаси, образли маъно, кўчма маъно англатиши шарт. Фразеологик бирликдан яхлитлигича англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўз компонентларга хос лексик маъноларнинг оддий йиғиндисига тенг бўлмайди, иборанинг маъноси умумлашма маъно, махраж маъно сифатида намоён бўлади.¹²

“Бобурнома” кенг қамровли асар бўлиб, унда мақол, матал, нақллар, фразеологик бирликлар ҳамда тургун бирикмалар мавжуд.

4. “Бобурнома”нинг ҳозирги ўзбек тилига қилинган табдилига асосан; “Бобурнома” лексикаси бугунги кун ўқувчисига бирдек тушунарли эмас. Ушбу ҳолат инобатга олинган ҳолда В. Раҳмонов ва К. Муллахўжаевалар 2008 йилда “Бобурнома”нинг табдилини нашр эттирди.¹³ Аслиятдаги фразеологик бирликлар табдилда ҳам ўз аксини топган. “Бобурнома”да “вафот этмоқ” маъносини ифодаловчи эвфемизм “ўлмоқ” лексик майдонига тегишли, *Тенгри раҳматиға бормоқ, олами фонийни видоъ қилмоқ, бош олиб итмоқ, рихлат қилмоқ, оламдин бормоқ* фразеологик бирликларининг сони “Бобурнома”да қирқдан ошиқ. Лекин таржималарда уларнинг инглизча эквивалентлари ўн уч ёки ўн тўртта вариантдан ошмаган.

“Бобурнома”да **Тенгри раҳматиға бормоқ** эвфемизми куйидагича акс этади. Аслият: *Иккинчи қиз менинг волидам Қутлуқ Нигорхоним эди. Аксар қазоқликларда ва фатаратларда менинг билан билла эдилар, Кобулни олгондин беш-олти ой сунгра, тарих туққуз юз ўн бирда Тенгри раҳматиға бордилар* (Бобурнома, 39).

Табдил: *Иккинчи қиз менинг волидам Қутлуқ Нигорхоним эди. Аксар ҳарбий сафарлар ва саргардонликларда мен билан бирга эди. Кобулни олганимдан сўнг беш-олти ой ўтиб, туққуз юзу ўн*

¹² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. – 1992, Б.3.

¹³ Раҳмонов В., Муллахўжаева К. Бобурнома. – Тошкент .: “Ўқитувчи”. – 2008, Б.288.

биринчи (1505) йили **Тангри раҳматига борди** (Бобурнома, 34). Фразеологик бирлик табдилда ўз аксини топган.

“Бобурнома”дан яна бир мисол. *Сабоҳ ҳар қанда бўлса, учратурбиз, деб филҳол илик қўшмоқни салоҳ кўрмадилар. Ушмундоқ қопуда келган ганим ҳеч навъ мутазаррир бўлмай ажрашти. Масал борким, “Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурур”* (Бобурнома, 73,74).

Табдил: *Эрталаб ҳар қаерда бўлса, учратамиз, деб дарҳол ҳужум қилишни маъқул кўрмадилар. Шундайгина эшикка келган ганим ҳеч қандай зарар кўрмай қутулди. “Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурур”*¹⁴, деб мақолнинг маъноси табдилда яхши очиб берилмаган. **ҚОПУДАГИНИ ҚОПМАСА ҚАРИГУНЧА ҚАЙГУРУР** инсон имкон келганда (омадни, имкониятни, қўлда бор нарсани) тутиб қолмаса, қаригунча ўзини ташвишга солиб, афсусланиб, надомат чекиб юради. Лекин бу ибора бўлганлиги учун ҳам табдилда тўлиқ очилмаган, деб ўйлаймиз.

Аслида бу мақол мазмунини англаб олиш замонавий ўқувчига бирмунча мушкул бўлса-да, “Бобурнома”ни қайта-қайта мутолаа қилган киши Бобурнинг бекларидан бири бўлмиш Вайс Лоғарийнинг маслаҳати туфайли навкарлари билан ярим тунда душман (Аҳмад Танбал) ортидан бормаганлиги ва бу ҳолатнинг оқибати келгусида Андижонни ташлаб чиқишга сабаб бўлгани, бу қилмишидан бутун умр бўйи ачинганини ҳис этиш мумкин.

5. “Бобурнома”даги муаллифнинг *масал борки, маталдурким* сингари изоҳларига асосан: Заҳириддин Бобур халқ томонидан яратилган мақол ва маталлардан “Бобурнома”да унумли фойдаланган. Биз уларни саралашда асар муаллифининг *масал борки, маталдурким* деган сўзларига таяндик.

Дедиким, агар гузар топилса, худ бот келгусидур, вале гузарлар сув улғайгач тагайюр топар. Ул масал борким, “Он гузарро об бурд”. (“Ул кечувларни сув олиб кетди”) Анинг давлатининг ва навкарининг интиқолида бу ҳарфни анинг тилига **Тенгри солди**” (Бобурнома, 104). **УЛ КЕЧУВЛАРНИ СУВ ОЛИБ КЕТДИ.**

¹⁴Раҳмонов В., Муллахўжаева К. Бобурнома.—Тошкент: “Ўқитувчи”,—2008.—Б.71.

Лейден-Эрскин: *As the proverb runs, "the river has carried down its fords"* Таржимаси: *Мақол борки, кечувчиларини дарё олиб кетди.*

Сусанна Бевериж: *"The waters have carried down the fords"*. Таржимаси: *Сувлар кечувчиларни олиб кетди.* В. Текстонда: *As the saying goes, "The water carried off the crossings"*. Таржимаси: *Матал борки, кечувчиларни сув олиб кетди.*

"Бобурнома"даги мақолларнинг қадри шунчалик баландки, ҳатто бугунги кунда ҳам долзарб, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ишлатишимиз мумкин. Мисол учун, *Ул бир туркий масал бордурким, "Инонмагил дўстунгга, сомон тикар нўстунгга"*. *Йўлда келадургонда яёқ қочиб юз ташвишлар била ўратенага келди.* (Бобурнома, 76).

Ж.Л.В.Э: **To trust a friend will show you raw; Your friend will stuff your hide with straw.** While they were conducting him from one place to another, however, he effected his escape by the way, and, barefooted and bareheaded, after encountering a multitude of hardships, came and joined me while I was at Uratippa (P-82).

А.С.Б. Here the (Turki) proverb fits, 'Distrust your friend! he'll stuff your hide with straw.' While Qambar-'ali was being made to go to Khujand, he **escaped on foot** and after a hundred difficulties reached Aura-tipa P-(123) 190.

В.Т. There is a Turkish proverb: "**Trust not your friend: he will stuff your hide with straw.**" Along the way Qambar-Ali managed to escape on foot make his way with great difficulty to Ura-Tyube (P-92).

"Бобурнома" эски ўзбек тилида битилганлиги учун фразеологик бирлик кагга ҳарфлар, ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси кичик ҳарфлар билан қавс ичида келтирилди. Масалан, **БЕПОЙ БЎЛУБ** (*безовта бўлиб*). *Бу хабар хонларга етгач, бепой бўлуб, ўлтуролмай, Андижон устидин қўптилар* (Бобурнома, 95).

Ж.Лейден ва В. Эрскин, С. Бевериж, В. Текстон ҳамда ушбу луғат тузувчиси З. Тешабоева номлари бош ҳарфлар **Ж.Л.В.Э., А.С.Б., В.Т.** ва **З.Т.** тарзида берилди.

Луғат алифбо тартибида тузилган, фактик мисоллар матн ичида ўрганилди. Паремиялар қатнашган тўлиқ матн имкон доирасида ажратилди ва уни ажратиш мақсадида настаълиқ хати (курсив)да, яъни *Бу хабар хонларга етгач, бепой бўлуб, ул-туролмай, Андижон устидин қўптилар*, деб белгиланди. Унинг инглизча вариантлари настаълиқ хатида ёзилмайди, аслиятдаги фразеологик бирликлар маъноси мужассам этган бирлик ёки сўз бирикмалари ҳар бир таржимада чекланган ҳолда ажратилди.

Луғатда келтирилган таржиманинг охирида саҳифа рақами кўйилган, яъни Р-73,74 (11,12). Биринчи берилган 73,74 рақамлар интернетдаги электрон саҳифа рақами бўлиб, кейинги 11, 12 рақамлари китоб саҳифаларини билдиради:

А.С.Б. Some books write that the mandrake is found in these mountains but for this long time past nothing has been heard of it. A plant called Ayiq auti and having the qualities of the mandrake (mihr-giyah) is heard of in Yiti-kent; it seems to be the mandrake (mihr-giyah) the people there call by this name (i.e. ayiq auti) Р-73,73(11,12). Бу фақат интернет маълумоти бўлганлиги туфайли С. Беверижда мавжуд бўлиб, Лейден ва Эрскинлар ҳамда В. Текстонларда китоб саҳифасидангина иборат.

Ушбу луғат йиллар давомида олиб борган машаққати меҳнат самарасидир. Луғатда “Бобурнома”да қўлланишда бўлган паремияларни, уларнинг инглизча таржималарини киритишга ҳаракат қилдик. Шунга қарамасдан, “Бобурнома”дан яна қатор фразеологик бирликлар, турғун бирикмалар топилиши мумкин”, деган ўй-фикрга ҳам қўшилаемиз. Зеро, “Бобурнома” кўпдан-кўп изланишларга, тадқиқотларга материал берадиган бой ва улкан хазинадир. Унинг очилмаган, ўрганилмаган қирралари етарлича. Луғат ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни мамнуният билан қабул қилаемиз. Маълумот учун телефонлар: (90) 345 97 46, 295 30 52, 253 30 21.

Электрон манзил: [tizivodahon@yahoo.com](mailto:tzivodahon@yahoo.com), zteshab@mail.ru

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

афор. – афоризм

А.С.Б. – Anette Susannah Beveridge

В.Т. – Wheeler M. Thackston.

Ж.Л. В.Э. – John Leyden and William Erskine.

З.Т. – Зиёдахон Тешабоева.

нақ. – нақл.

мақл. – мақол.

матл. – матал.

пай. гап. – пайров гап.

ф.б. – фразеологик бирлик.

**АВҚОТИ МУАММО
ФИКРИФА МАСРУФ
ЭКАН¹⁵**

фб. (вақти муаммо ва жумбоқлар ўйлаб топишга сарфланар)

Ҳамиша авқоти муаммо фикрига масруф экандур. Ажаб фақир ва номурод ва бебахт киши экандур (Бобурнома, 139).

З.Т. He spent all his time in brainteasers maneuvers. He was an amazingly unambitious and wretched person.

**АГАР САД СОЛ МОНИ
ВА-Р ЯКЕ РЎЗ, БИБОЯД
РАФТ АЗ ИН КОХИ
ДИЛАФРЎЗ**

Табдили:

афор. Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур. *афор.* (Бобурнома, 99).

¹⁵ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли дўғати. 1 жилд. – Тошкент: “Фан”. – 1993, Б.10.

З.Т. Though a man lives a one or a hundred years, he must leave this much-admired palace one day.

**АГАР ТИҒИ ОЛАМ БИ-
ЖУНБАНД ЗИ ЖОЙ,
НАБУРРАД РАҒЕ ТО
НАХОҲАД ХУДОЙ**
(Бобурнома, 150).

Табдили:

матл. Агар олам тиғи ўз жойидан кўзгалса, Худо хоҳламаса бир томирни ҳам қирқолмайди.

Ж.Л.В.Э. However the sword of man may strike, It injures not a single vein, without the will of God (P.216).

А.С.Б. If a sword shook the Earth from her place, Not a vein would it cut till God wills. P. 244 (182).

В.Т. If the sword of the world moves from its place, it will sever no vein unless God wills (P.239).

**АЖАБ БИР БАЛОДУРКИ,
ХИРОТДА ОЁҒИНГНИ
УЗАТСАНГ, ШОИРНИНГ
ОРҚАСИГА ТЕҒАДИ,
ЙИҒСАНГ ҲАМ,**

ШОИРНИНГ ОРҚАСИГА ТЕГАДИ

пай. гап. (сарой уламолари шатранж ўйинида Навоий ва Биноий ҳазил-мутойибаси)

Ул жумладин бири будурким, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёгини узатур. Биноийнинг (орқаси) га тегар, Алишербек мутояба била дерки, “Ажаб балоест дар Ҳири, агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад”.

Биноий дерким, “агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад”.

Табдили:

“Ажаб бир балодурки, Ҳиротда оёгингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегеди.

Биноий айтадики, “Йигсанг ҳам, шоирнинг орқасига тегеди”. Охир бу зарофатлардин яна Ҳиридин (Самарқанд) азимати қилди (Бобурнома, 138).

Ж.Л.В.Э. Ali Sher Beg said, in a joking way,

“It is a sad nuisance in Heri, that you cannot stretch

out your foot without coming in contact with the backside of a poet”

“Nor draw it in again”, said Binai, “without coming contact with a poet’s backside”.

At last his sarcasm drove Binai from Heri, and he went to Samarkand (P. 195).

A.C.B. Alisher at a chess-party in stretching his leg touched Banai on the hinder-parts and said jestingly,

“It is the sad nuisance of Heri that a man can’t stretch his leg without its touching a poet’s backside” “Nor draw it up again”,

retorted Banai. In the end the upshot of his jesting was that he had to leave Heri again; he went then to Samarkand (P. 287).

B.T. One day at a chess party Ali-Sher Beg stretched out his leg and touched Banna’I’s backside.

“What a sad state this is” Alisher Beg said in jest, **“that in Herat one cannot stretch out a leg without poking a poet in the ass”.** **“Yes”,** Bannai retorted **“and if you pull your leg back**

in, you'll poke another". In the end he left Herat for Samarkand because of such witticisms (P. 215).

АЗОЛАР ТОЗА БЎЛМОҚ

фб. (азалар янгиланмоқ)

Азолар тоза бўлуб, фироқлар ути беандоза бўлди (Бобурнома, 124).

3.T. Mouring was extreme and leave-taking was incomparable.

АЙБ ҚИЛМОҚ

фб. (айб санамоқ)

Чухра сахламоқлиғни хунар билурлар эди. Чухра сахламаслиғни айб қилурлар эди. Зулм ва фисқининг шоматидин уелонлари тамом жувонмарг бўлдилар (Бобурнома, 48).

Ж.Л.В.Э. And such currency did this vile practice gain in his time, that every man had his boy; insomuch, that to keep a **catamite** was thought to be a creditable thing, and not to have one was regarded as rather an imputation on a man's spirit. As

a judgment upon him for his tyranny and depravity, all his sons were cut off in their youth (P. 29).

A.C.B. If anywhere in his territory, there was a handsome boy, he used, by whatever means, to have him brought for a catamite; of his begs' sons and of his sons' begs' sons he **made catamites**; and laid command for this service on his very foster brothers and on their own brothers. So common in his day was that vile practice that no person was without his catamite; to keep one was thought a merit, not to keep one, a defect. Through his infamous violence and vice, his sons died in the day of their strength Pp. (45) 111.

B.T. During his time this shameful vice was so widespread that there was no one at all who did not have catamites. To keep them was considered a virtue, and not to **keep them a fault**. His sons all died young of shameful immoderation and debauchery (P. 31).

АЙИҚ ҰТИ

фб. (мехригиёҳ, доривор ўт)

Баъзи китобларда битиб-дурларким, “ябруҳ уссанам” бу тоғлардадур, вале бу муддатта ҳеч эшитилмади. Бир гиёҳ эшитилдиким, Етти-кентнинг тоғларида бўлур, ул эл “айиқ ўти” дерлар, мехригиёҳ хосиятлик, голибо мехригиёҳдур, ул эл бу от била айтурлар (Бобурнома, 36).

Ж.Л.В.Э In many books it is related, that the Yabruh-ussannam grows on these hills; but now it is now quite unknown. There is, however, a species of grass which is produced on the mountains of Bete-kend, and which the people of the country term *alkoti*, that is said to have the virtue of the *mehrgiah*, an is what passes under the name of *mehrgiah*. In these hills, also, there are mines of turquoise and of iron (P. 6).

А.С.Б. Some books write that the mandrake is found in these mountains but for this long time past nothing has been heard of it. A plant called *Ayiq auti*

and having the qualities of the mandrake (*mihrgiyah*) is heard of in Yiti-kent; it seems to be the mandrake (*mihrgiyah*) the people there call by this name (i.e. *ayiq auti*). Pp.73,73(11,12)

В.Т. In some books it is written that there is belladonna in the mountains, although it has not been heard of in these times. A plant in the Yetti Kent mountains, which the people there call *ayiq oti*, is claimed to have the properties of mandrake. It most likely is the mandrake, but they call it by the other name. Turquoise and iron mines are also in the mountains (P. 7).

АНДИЖОН КУЧИ БИЛАН ОЛИЛИБ

фб. (Андижонлик аскарлар орқали забт этилган)

Самарқанд Андижон кучи билан олилиб эди. Агар Андижон ишкита бўлса, яна Тенгри рост келтурса, Самарқандни ишкласа бўлур (Бобурнома, 63).

Ж.Л.В.Э. I had taken Samarkand with the forces of An-

dejan, and if I still continued master of Andejan, might once more (should God prosper me) regain possession of Samarkand (P. 57).

A.C.B. Samarkand was taken by the strength of Andijan; if Andijan is in your hands, God willing, Samarkand can be had again. One after another came letters to this purport Pp. (88) 155.

B.T. "Samarkand was taken through the strength of Andizhan. If Andizhan is held, and God wills, Samarkand can be taken "Letters of this import came one after (P. 64).

АРЗГА ТЕГУРМОҚ

фб. (маслахат бермоқ)

Улуз-қари тажрибалиқ беклар Носирбек Дустбекнинг отаси, Қанбар Алибек арзга тегурдиларким, кеч бўл-убтур, қоронғуда қўрғонга яқин сизиниб бормоқ беҳисобдур, кейинрак тортиб тушалинг, тонгла не чоралари бордур, қўрғонни берурлар (Бобурнома, 92).

3.T. The old experienced Begg, the father of Nosirbek and Dostbeg, and Qanbar Ali Beg **signified to me** that it was now too late, that to approach the fortress in the dark was not a wise measure; and they let us withdraw and dismount unavoidably.

АРИҚ ОЛМОҚ

фб. (ўраб олмоқ, асир олмоқ)

Боқи била борғонларни ариқ олди, Боқини ўлтуруб хотунини олди. Агарчи биз Боқиға ҳеч ёмонлиқ қилмай қўя бердук, вале ўз ёмонлиги олиға келиб, ўз амалиға гирифторм бўлди (Бобурнома, 125).

3.T. He took prisoner all who came with Boqi, killed him and took his wife. We hadn't let any harm to him yet but he was repaid what he had done previously.

АСЛ ҚИЛМОҚ

фб. (инобатга олмоқ)

Буларнинг фикрини бар асл қилмоқ керак. Чериктин илгаррак бир пора кўмак киши ҳам Байанага келса, давлатга

муносибдур деб, черик
отланмоққа азм-жазм қилиб,
ўзумиздин илгаррак Муҳаммад
Султон мирзо, Юнус
Али, Шоҳ Мансур барлос,
Каттабек, Қисмтой Бўжаса
бошлиқларни Байанага илгор
йиборилди (Бобурнома, 218).

Ж.Л.В.Э. That it would be beneficial to my affairs if a detachment could be sent on, before the Grand Army, to the assistance of Biana. In order, therefore, to harass the Rana's army, I pushed on before me towards Biana, a light force, under the command of Muhammed Sultan Mirza, Yunis Ali, Shah Mansur Birlas, Kittah Beg, and Kismi Bujkeh (P. 349).

А.С.Б. It would favour our fortune, if a troop came ahead of the army to reinforce Biana. Deciding to get to horse, we sent on, to ride light to Biana, the commanders Muhammad SI. Mirza, Yunas ali, Shah Mansur Barlas, Kitta Beg, Qismati and Bujka (P. 545).

В.Т. It became necessary to deal with them above all else. If

a contingent of the army were to go to Bayana as reinforcements, it would be to our advantage. Having firmly resolved to mount the army, we dispatched Muhammad-Sultan Mirza, Yunus Ali, Shah-Mansur Barlas, Kata Beg, Qisimtay, and Bochka to Bayana ahead of ourselves (P. 375).

**АТКАЛИГИГА
ЮКУНДУРУЛМОҚ**
фб. (мураббийликка
тайинланмоқ)

Одина куни, ойнинг йигирма
тўққузиди Мир Хурдинг
Ҳиндолнинг аткалигига юкун-
дурулди. Минг шоҳрухий сочиқ
киюрди (Бобурнома, 177).

Ж.Л.В.Э. On Friday the 29th, I invested Mir Khurd with the office of governor to Hindal, on occasion he brought me a present of a thousand shahrkhis (P. 274).

А.С.Б. On Friday the 29th, Mir Khurd was made to kneel as Hind-al's guardian. He made an offering of 1000 *shahrukhis* Pp. (408) 475.

В.Т. On Friday the twentieth, Mir Khurd was made to kneel as tutor to Hindal and had a thousand shahrukhis brought in as a gift (P. 293).

АТРОКДЕК ГАЛА ВА РАМАЛИҚ

фб. (турклардек гала ва сурувли, тўда ёки пода мол, қўйлари бор бўлмоқ)

Эли агарчи сорт ва деҳқишиндур, вале атрокдек гала ва рамалиқ эллардур. Даҳкатнинг қуйини қирқ минг ченарлар эди (Бобурнома, 87).

З.Т. The dwellers were Sarts, however they live in a village, they **have large flocks of sheep and herds** like Turks. The sheeps of Dahkat to be valued for forty thousand.

Б

БАДЗАБОН ВА ФАҲШҒҲЙ ВА ХУДПИСАНД ВА ТИЙРАМАҒЗ МАРДАК

фб. (тили заҳар ва фаҳш сўзлар айтгучи, қайсар ва калтафаҳм эркак)

Яна бири Вали эди. Хисравшоҳнинг туққон иниси эди. Навкарни яхши саҳлар эди. Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил тортмоғига ва Бойсунқур мирзонинг ултурмакига боис ул эди. Бадзабон ва фаҳшғҲй ва худписанд ва тийрамағз мардак эди (Бобурнома, 50).

Ж.Л.В.Э. Wali was another of them, the younger brother of the full blood of Khosrou Shah. He took good care of his servants. It was, however, at the instigation of this man, that Sultan Masaud Mirza was blinded, and Baiesanghar Mirza put to death. He was **in the habit of speaking ill** of everybody behind their backs He was a **foul-tongued, scurrilous, self-conceited, scatter-brained fellow** (P. 32).

А.С.Б. Wall was another, the younger, full-brother of Khusrau Shah. He kept his retainers well. He it was brought about the blinding of SI. Mas'iid Mirza and the murder of Bai-sung-har Mirza - He had **an ill-word** for every-one and was an **evil-tongued, foul-mouthed,**

self-pleasing and dull-witted manikin (P. 51).

B.T. Another was Wali, a full brother to Khusrawshah. He kept them well. It was he who had Sultan-Mas'ud- Mirza blinded and Baysunghur Mirza killed. He found fault with everyone. He was an **evil-tongued, foulmouthed, conceited, and dull-witted fellow**. He approved nothing anyone other than himself did (P. 34).

БАДМАОШЛИҚ ҚИЛА БОШЛАМОҚ

фб. (дағаллик қила бошламоқ)

Ўш ва Марғинон ва бу қирган қўрғонларда қўйғон мўғуллари элнинг чашм-доштининг хилофи, зулм ва бадмаошлиқ қила бошладилар (Бобурнома, 95).

B.T. ... the Moghals that he had posted in the fortresses at Osh, Marginon, and the other places that had come to us: and began to oppress and misconduct.

БАЖО КЕЛТУРМОҚ *фб.*(одатига амал қилмоқ)

Эли кофирлар била омихта учун, агарчи мусулмондур, вале куффор русумини бажо келтурурлар (Бобурнома, 111).

Ж.Л.В.Э. As its inhabitants, though Musulmans, are mingled with the Kafirs, they live according to **the customs of that race**. (P. 144).

A.C.B. Another *buluk* is Chaghan-saral, a single village with little land, in the mouth of Kafiristan; its people, though Musalman, mix with the Kafirs and, consequently, **follow their customs** Pp. (212) 278.

B.T. It is at the mouth of Kafiristan. Because the people, though Muslim have mingled with the Kafirs, they **have taken on infidel customs** (P. 160).

БАНД ҚИЛМОҚ *фб.* (асир олмоқ)

Обдуздким оилди, бўлдура олмай тонгласизга амон тилаб

чиқтилар. Танбалнинг иниси
Халил бошлиқ етмиш-саксон-
юз ўбдон кишини **банд қилиб**,
Андижонга **йиборилдиким**,
хўтиёт била сахлагайлар
(Бобурнома, 71).

Ж.Л.В.Э. The morning after the attack, before breakfast time, we had gained possession of the water-courses. The action continued till evening, but, after loosing their water, they could no longer hold out; and, next morning, they asked for quarter and surrendered the place. Khalil, the younger brother of Tambol, who was in command, with seventy, eighty, or a hundred of the most active young men, **were kept as prisoners**, and sent to Andejan to be put in close custody (P. 72).

А.С.Б. The assault began at dawn; the water-thief had been taken before breakfast-time; fighting went on till evening; next morning, as they could not hold out after losing the water-thief, they asked for terms and came out. We took 60 or 70 or 80 men of Khalil's command and sent them to Andijan for

safe-keeping; as some of our begs and household were prisoners in their hands, the Madii affair fell out very well (P. 109).

В.Т. Since the water channel had been taken, they were unable to hold out and the next morning they sued for quarter and emerged. Seventy, eighty, or a hundred men under Tambal's brother Khalil **were put into chains** and sent to Andizhan to be kept under guard (P. 81).

БАРТАРАФ БЎЛИМОҚ
фб. (бекор қилмоқ)

*Кечаси суҳбат ангизи бўлди. Қози арзга еткурдиким, менинг уюмда мундоқлар бўлгон эмас, подшоҳ ҳокимдурлар. Бовужудким, мажлис асбоби муҳайё бўлуб эди, қозиниг истирзойи хотири учун, ичку **бартараф бўлди*** (Бобурнома, 173).

З.Т. One discussion passed on at night. Qozi represented to me that there was never been such kind of things at his family, only Podishoh is the governor and dominant. However the

whole thing was ready for the party but for the respect of Qozi we stash away drinking.

БЕДИЛЛИҚ ЗОҲИР БЎЛМОҚ

фб. (кўрқоқлик ошкор бўл-
моқ)

Иккала ога-инини тушурурлар. Бу ерда ўлтур-гузгонда ога-ини бир-бирини қучушуб, ўнушуб, видоъ қилурлар. Абулмуҳсин мирзодин бедиллик зоҳир бўлур. Керак мирзога чандони тавофут қилмас. (Бобурнома, 155).

З.Т. The two brothers were dismounted. They embraced and kissed each other for their last farewell. Abul Hassan Mirzo showed some melancholy but Kераk Mirzo was not affected even the slightest.

БЕЗГАК БЎЛМОҚ

фб. (безгак касалига чалин-
моқ)

Ҳавоси бисёр мутааф-финдур, кузларбезгаккўнбулур. Андоқ ривоят қилдиларким,

чунчук безгак бўлгондур. Дер-ларким, ҳавосининг тааф-фуни шимолдаги тоғ жиҳати-диндур. (Бобурнома, 36).

З.Т. But the air is unpleasant and this causes much infection in autumn, from this viewpoint they say, there even sparrows get ague.

БЕМУРОД ЁНМОҚ

фб. (умидсизланиб қайтиб
кетмоқ)

Тенгри таолоким, ўз қуд-рати комиласи била ҳар ишимни ҳар маҳалда андоқким боядушояд, беминнати махлуқ рост келтурубдур, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким, алар бу келмакдин ўсандилар, балки бу таважжуҳдин пушаймон бўлуб, бемурод ёндилар (Бобурнома, 43).

Ж.Л.В.Э. But Almighty God, who, of his perfect power has, in his own good time and season, accomplished my designs in the best and most proper manner, without the aid of mortal strength, on this occasion also brought certain events to

pass, which reduced the enemy to great difficulties, frustrated the object of their expeditions, and made them **return without success**, heartily repenting of their attempt (P. 19).

А.С.Б. But the Almighty God, who, of His perfect power and without mortal aid, has ever bringing their counsels to a head made such things happen here that they became disgusted at having advanced, repented indeed that they had ever set out on this expedition and **turned back with nothing done** Pp. (31) 87.

БЕМУЗОЯҚА ТОПШУРМОҚ

фб. (жангсиз топширмақ)

Хўжанд ичида Мир Мўғулнинг отаси Абдулваҳҳоб шиговул эди, мен етгач-уқ кўргонни бемузояқа топшудди (Бобурнома, 51).

